

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ



“ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЧОРВА ОЗУҚАСИ
ЭКИНЛАРИ ҲОСИЛДОРЛИГИ ВА ОЗУҚА
ЕТИШТИРИШНИНГ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

Республика илмий-амалий анжумани

МАТЕРИАЛЛАР ТЎПЛАМИ

**Бухоро
«Дурдона» нашриёти
2019**

ЮКСАК СУВ ЎСИМЛИКЛАРИНИ ЧОРВАЧИЛИКДА ОЗИҚА СИФАТИДА ҚЎЛЛАШ

б.ф.д. профессор Бўриев С.Б.,
Жалолов Э.Б., Қобилов А.М., Юлдошов Л.Т., Одилова М.
Бухоро давлат университети

Республикада шу жумладан Бухоро вилоятидаги сув ҳавзаларида юксак сув ўсимликларининг турлари кўп тарқалган. Юксак ўсимликлар қирғоқ бўйи ўсимликлари, ярми сувга ботган ҳолда ўсувчи ўсимликлар, тўлиқ сувга ботган ҳолда ўсувчи ўсимликлар гуруҳларига мансубдир. Сувнинг остида ва ярим сувда яшовчи ўсимликларнинг таркиби асосан углеводлардан иборат бўлиб, улардан оксиллар ва витаминлар кам миқдорда. Сув ҳавзаларининг юза қисмида ўсувчи юксак ўсимликлардан кенг тарқалгани ряскадир. Унинг 3 та тури мавжуд – кичик ряска, букри ряска ва уч қиррали ряскалардир. Сув юзасида ўсувчи ўсимликлардан азолла, пистия ва эйхорниялар шарқ мамлакатлари ҳудудидан олиб келинган ва Ўзбекистон шароитига мослашган ўсимликлардир.

Ряска ўсимликларидан кичик ряска кенг тарқалган. Сув ҳавзаларида катта миқдорда биомассани ҳосил қилади. Ряска озиқавий моддаларга бой бўлиб уларда 25-30 % оксиллар, 20-25 % углеводлар, 5-10 % ёғлар ва витаминлардан В₁, В₂, В₆, РР лар шу жумладан минерал элементлардан калций, фосфор, магний, олтингугурт ва бошқалар мавжуддир. Ряска ўсимликлари қимматбаҳо озиқа сифатида чўчқачиликда, паррандачиликда ва чорвачиликда қўлланиб келинмоқда.

Бухоро давлат университети илмий ходимлари томонидан ряска, азолла, пистия ўсимликлари кенг миқдорда кўпайтирилиб, уларни қимматбаҳо озиқа сифатида балиқчиликда қўлланилмоқда. Республикада кўп миқдорда боқиладиган балиқлардан оқ амур балиғи ўтхўр ҳисобланиб, унинг асосий озиқаси юксак сув ўсимликларидир. Оқ амур балиғининг маҳсулдорлигини ошириш учун ряска ўсимлиги лаборатория ва ярим ишлаб чиқариш шароитида органо-минерал муҳитда кўпайтирилиб ишлаб чиқаришга тавсия қилинди. Ряска ўсимликлари билан боқилган оқ амур балиқларининг маҳсулдорлиги 55-60% гача ошиши аниқланди. Ряска ўсимлигининг кўп миқдорда кўпайтирилиб, балиқчиликда қўллаш учун уларга озиқа сифатида коммунал хўжаликларидан чиқадиган оқава сувлардан ёки гўнг шарбатидан фойдаланиш мумкин. Бундай озиқавий муҳитнинг 1м² юзасига 500 гр ряска экилса кундалик ўсиш миқдори 120-160 гр 1м² сув юзасидан яшил биомасса олинади.

Сув юзасида фаоллик билан ривожланувчи азолла ўсимлиги балиқлар учун қимматбаҳо озиқа ҳисобланади. Азолла ўсимлиги азотфиксатор ҳисобланиб, атмосферадаги эркин азотни ўзлаштиради ва катта миқдорда биомасса ҳосил қилади.

Азолла хужайраси таркибида 20-25% оксил, 25-30% углеводлар, 5-10% ёғлар, витаминлар ва бир қатор физиологик фаол моддалар мавжуд. Азолла ўсимлиги озиқавий элементларга бой бўлганлиги сабабли паррандачиликда чўчкачиликда ва қарамолчиликда озиқа сифатида ишлатилмоқда .

Бухоро вилояти шароитида азолла ўсимлигини кўпайтириб уни балиқчиликда озиқа сифатида қўллаш мумкинлиги аниқланди. Азолла ўсимлигини кўпайтириб оқ амур балиғига озиқа сифатида қўлланилганда балиқнинг маҳсулдорлиги 50-55% ошиши ўрганилди. Сув юзасида ўсувчи юксак сув ўсимликларидан пистия (сув карами) республикада ҳар хил мақсадларда қўлланилмоқда.

Пистия кўп йиллик ўсимлик бўлиб чучук сувлар қисман минераллашган ва органик моддаларга бой сувлар юзасида қалқиб ўсади. Пистиянинг экиладиган бирламчи кўчат зичлиги Кнопа озиқа бирлигида 1 м² сув юзасига 1-3 кг ҳўл биомасса экилади. Бунда бир кеча кундузда 1 м² сув юзасидан 500 г ҳўл биомасса олиш мумкин. Пистия ўсимлиги гўнг шарбатида ва оқава сувларида фаоллик билан ривожланиб, катта миқдорда биомасса ҳосил қилади. Ушбу ўсимликнинг биомассаси фаол моддаларга бой бўлганлиги сабабли балиқчиликда паррандачиликда озиқа сифатида қўлланилмоқда.

Ряска, азолла ва пистия ўсимликлари чорвачиликда озиқа сифатида қўлланиши билан бир қаторда уларнинг биомассаси таркибидаги физиологик фаол моддалар ажратиб олиниб, уларни халқ хўжалигининг турли соҳаларида қўллаш ҳамда биомассаларни биогурус сифатида қўллаб тупроқлар ва ўсимликлар унумдорлигини ошириш соҳасида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

YAYLOVLAR HOLATINI YUZAKI YAXSHILASH CHORVACHILIK RIVOJLANISHI OMILI SIFATIDA

X.I. Mo'minov – BuxDU dotsenti

Yaylovlar tabiatning bebaho in'omi hisoblanib, respublikamizda qorako'lichilikda foydalanib kelinayotgan yaylovlar maydoni 17.5 mln. gektarni egallaydi.